

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятowa Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Феруза Парходовна Атамуратова,
 Мирзо Улуғбек номидаги
 Ўзбекистон Миллий университети,
 тарих факультети тьютори.
 email: jaloliddin198115@yahoo.com

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ

For citation: Feruza P.Atamuratova, TARMIDH-TERMEZ IN ANCIENT AND MIDDLE AGES.
 Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.21-27

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072193>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўрта Осиё тарихида муҳим ўринга эга бўлган Тармита-Термизнинг тарихий географиясига бағишланган. Тармита-Термиз ҳақидаги дастлабки маълумотлар ёзма манбаларда келтирилади. Улар сирасига биз тибет, арман, хитой, юнон-рим, араб-форс муаллифлари асарларини келтириб ўтишимиз мумкин. Мақолада ёзма манбаларда тилга олинган Окс бўйидаги Александрия ва Антиохия Тармитасининг Эски Термиз ёдгорлиги ўрнида жойлаштирилиши борасида амалга оширилган изланишлар, ёдгорликнинг таркибий қисмлари ва унинг ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳамда натижаларининг қисқача баёни келтирилган.

Калит сўзлар: Тармита-Термиз, Окс бўйидаги Александрия, Антиохия Тармитаси, Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмола, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси, буддавийлик ғорсимон иншоотлари, Чингизтепа, Термизшоҳлар саройи.

Феруза Парходовна Атамуратова,
 Тьютор исторического факультета
 Национального университета
 Узбекистана имени Мирзо Улугбека.
 email: jaloliddin198115@yahoo.com

ТАРМИТА-ТЕРМЕЗ В ДРЕВНОСТИ И СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена исторической географии Тармиты - Термеза, занимавшего важное место в истории Средней Азии. Сведения о Тармите - Термезе приводятся в античных и раннесредневековых письменных источниках. К ним относятся труды греко-римских, китайских, тибетских, армянских, арабо-персидских авторов. В статье кратко описываются исследования по локализации городов, упоминаемых в античных источниках под названиями Александрия на Оксе и Тармита Антиохии, на месте старого Термеза. А также, описание

археологических исследований проведенных на его территории, в том числе по идентификации составных частей памятника, и их результатов.

Ключевые слова: Тармита-Термез, Александрия на Оксе, Тармита Антиохии, Каратепа, Фаязтепа, Зурмала, мавзолей Мухаммада Хакима Термизи, буддийские пещерные сооружения, Чингизтепа, дворец Термезшахов.

Feruza P.Atamuratova

Tutor of the faculty of History
of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek.
email: jaloliddin198115@yahoo.com

TARMIDH-TERMEZ IN ANCIENT AND MIDDLE AGES

ABSTRACT

This article is devoted to the historical geography of Tarmidh - Termez, that had an important place in the history of Central Asia. Tarmidh-Termez was mentioned in ancient and early medieval written sources. These include the works of Greco-Roman, Chinese, Tibetan, Armenian, Arab-Persian authors. The article briefly describes the studies on the localization of cities mentioned in ancient sources under the names of Alexandria Oxiana and Antioch Tarmita on the site of Ancient Termez. And also, a description of the archaeological research carried out on its territory, including the identification of the main parts of the monument, and their results.

Index Terms: Tarmidh-Termez, Alexandria Oxiana, Antioch Tarmita, Karatepa, Fayaztepa, Zurmala, mausoleum of Muhammad Hakim Tirmidhi, Buddhist cave structures, Chingiztepa, Termezshah's palace.

1.Долзарблиги:

Тармита-Термиз Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихида муҳим сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий марказларидан бири бўлган. Унинг дарё кечуви ва савдо йўллари чоррахасида жойлашганлиги Бактрия-Тохаристон ўлкасининг йирик шаҳарларидан бири сифатида шаклланишига замин яратган. Ушбу кўҳна шаҳар замонавий Термиз шаҳридан шимоли - ғарбий тарафда, 7 км масофа узоқликда, Амударё бўйида жойлашган.

Ёдгорликнинг қалъа қисмида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида милодий I минг йилликнинг ўрталарига оид бўлган сопол буюмлар намуналари аниқланган. Кейинчалик Александр Македонский томонидан шаҳар-қалъага айлантирилган манзилгоҳ, Салавкилар ва Юнон-Бактрия шоҳлари ҳукмронлиги даврида янада ривожланган. Археологик қазилмалар жараёнида Эски Термиз ҳудудидан эллинизм даврига оид кўп сонли археологик топилмалар қайд этилган. Антик дунёнинг бир қисми бўлган Тармита-Термиз бугунги кунда хорижий илмий марказларнинг асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон-Франция, Ўзбекистон-Япония, Ўзбекистон-Корея халқаро экспедицияларининг тадқиқотлари натижалари муҳим аҳамият касб этади.

Кушонлар ҳукмронлиги даврида эса кўҳна шаҳар янада тараққий этиб, умумий мадони 300 гектардан ошиқроқ шаҳар тусини олган. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Қобул – Балх йўналиши орқали буддавийлик Тармита-Термиз ҳудудига кириб келган. XX асрнинг 20-90-йиллари оралиғида ва мустақиллик йилларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида унинг ҳудудидан кўплаб буддавийлик иншоотларининг аниқланиши ҳам юқорида келтирилган фикрларимизни тасдиқлайди. Улар сирасига биз Зўрмола, Қоратепа, Фаёзтепа ва бошқа ёдгорликларни киритишимиз мумкин. Айнан Тармита-Термиз Ўрта Осиё ҳудудига буддавийлик таълимоти кириб келган дастлабки аҳоли манзили бўлган ва мазкур таълимотнинг Узоқ Шарққа ёйилишида ўзига хос “кўприк” вазифасини ҳам бажарган.

Милодий IX-XIII асрларда эса Тармита-Термиз Мовароуннаҳрда ислом маданияти марказларидан бирига айланади. Бу даврда Тармита-Термиз Мовароуннаҳрнинг ўрта асрлар даврига хос шаҳарлари сингари учта таркибий қисмдан ташкил топган ва мудофаа деворлари

билан ўралган. Ёдгорлик худудида ислом дунёсининг йирик мутафаккирларидан бири бўлган Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ҳам жойлашган. Тармита-Термиз 1220 йилда Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинларига қарши 11 кун давомида мардонавор қаршилиқ кўрсатади. Бироқ, мўғул қўшинлари томонидан шаҳар эгалланади ва вайрон қилинади.

2.Методлар:

Мазкур мақолада Тармита-Термизнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихий географиясига оид илмий манбалар тизимлаштирилган, археологик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган ва умумлаштирилган. Тарихийлик ва холислик каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Тармита-Термизга асос солиниши ва этимологияси борасида олимлар ўртасида турли баҳс-мунозаралар мавжуд. Масалан, австриялик олим В. Томашекга кўра, Тармита-Термиз қадимги авесточа “*taro-maetha*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “дарёнинг нариги соҳилидаги қишлоқ – аҳоли манзилгоҳи” деган маънони англатган[1]. Археолог олим Ш. Пидаевнинг таъкидлашича, ушбу атама Амударёнинг чап қирғоғида истиқомат этган аҳоли томонидан берилган бўлиши мумкин. Эҳтимол, айнан бу ҳудудда яшовчи аҳоли Тармита-Термизга асос солган. Кейинчалик, қароргоҳи Тармита-Термиздан 50 км масофа узоқликда, Бақтрда жойлашган аҳамонийларнинг Бактрия сатрапи дарёдан муҳим кечув йўлини муҳофаза қилиш учун бу ерда аҳоли манзилгоҳи ва қалъа барпо этган бўлиши мумкин[2].

Тарихчи олим В. Тарн юнон – рим муаллифлари асарларида Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши натижасида асос солинган Окс бўйидаги Александрия шаҳри ҳақида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида Окс бўйидаги Александрия бу Тармита-Термиз деган хулосага келган. Унга кўра, Окс бўйидаги Александрия шаҳри милoddан аввалги 293 йилда саклар ҳужуми натижасида вайронага учраган, сўнгра Салавкий ҳукмдор Антиох I томонидан қайта тикланган ва Антиохия Тармитаси деб аталган. В. Тарнга кўра, Антиохия Тармитаси Равенналик номаълум географ қаламига мансуб Пейтингер жадваллари харитасида ҳам кўрсатиб ўтилган[3].

Окс бўйидаги Александрия шаҳри ҳақидаги маълумотлар антик даври муаллифи Птоломейнинг “География бўйича қўлланма” номли асарида ҳам келтирилган. Птоломей томонидан Окс бўйлаб, Окс ва Яксарт оралиғидаги шаҳарлар кўрсатиб ўтилган. Э.В. Ртвеладзе томонидан Птоломей келтирган маълумотларнинг ўрганилиши ва таҳлили асосида Индикомордана номи остида тилга олинган шаҳар Тармита-Термиз ўрнига жойлаштиради[4].

Тармита-Термиз ҳақидаги маълумотлар милodий 629-630 йилда Бактрия-Тохаристон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилган хитойлик буддавий роҳиб Сюань Цзан асарида ҳам келтирилади. Унга кўра, Тармита-Термиз мулклиги Тами шаклида тилга олиниб, унда 12 та буддавийлик иншоотлари мавжуд бўлганлиги таъкидлаб ўтилган[5].

Археолог олим Ш. Пидаевга кўра, Тармита-Термиз атамаси милodий IV-V асрларга оид арман манбаларида “Дрмат”, милodий VII асрга оид хитой манбаларида “Таами” ва XIV асрга оид Хитой манбаларида “Талима”, IX-XI асрга оид араб-форс манбаларида эса “Тармид”, “Тармиз” ва “Тирмиз” шаклида келтирилган[6].

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Тармита-Термиз ўрнида мавжуд бўлган дастлабки аҳоли манзилгоҳи милoddан аввалги VI-IV асрларга оиддир. Шунингдек, унинг атрофидан ҳам милoddан аввалги I минг йилликга оид бир неча аҳоли манзилгоҳлари излари аниқланган[7].

Милoddан аввалги III-II асрларда Тармита-Термиз Шимолий Бактриянинг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига айланган. Бу ерда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан, кулолчилик ҳунармандчилиги тараққий этган. Бу даврда шаҳарнинг умумий майдони 10 гектардан ошган.

Тармита-Термизнинг минтақамизнинг қадимги даври тарихида тутган муҳим ўрни милodий I асрдан - III асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилган Кушон давлати билан ҳам боғлиқ. Машҳур ҳукмдор Канишка даврида Кушон подшолиги қадимги дунёнинг Рим, Парфия ва Хан Хитойи билан рақобатлашадиган жаҳон империяларидан бирига айланган[8].

Кушон подшолигига асос солган этник гуруҳлар Марказий Осиёнинг шимолий худудларида истиқомат қилган. Улар юнон-рим муаллифлари асарларида сакаравллар, ассийлар, пассианлар, қадимги ҳинд ёзма манбаларида тохарлар, Хан Хитойи солномаларида эса “Катта Юечжи”, яъни Да Юечжи деб аталган. Мазкур этник гуруҳлар милоддан аввалги 140–130 йилларда Ўрта Осиёнинг жанубига, яъни Бактрияга юриш қилганлар ва Юнон-Бактрия ҳукмронлигига чек қўйган. Буюк Кушон шоҳлари Кужула Кадфиз, Вима Ток(то), Вима Кадфиз, Канишка I, Хувишка, Васудева Кушон давлати чегараларини мустаҳкамлашда, иқтисодиёт ва маданият соҳаларини ҳамда савдо алоқаларини ривожлантиришда фаол бўлганлар. Кушонлар даврида шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти янада тараққий этган. Бу даврда шаҳарнинг умумий майдони 300 гектардан ошиқроқ бўлган ва мудофаа деворлари билан ўралган.

Кушонлар даврида дунё динларидан бири ҳисобланган буддавийлик таълимоти кенг тарқалади. Мазкур дин эса Тармита-Термиз мафкуравий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган. Бунинг далили сифатида археологик тадқиқотлар натижасида Сурхон воҳаси худудида Қоратепа, Фаётепа, Зўрмола ступаси каби буддавийлик иншоотларининг аниқланишини келтиришимиз мумкин. Кушон подшолиги Марказий Осиёда диний бағрикенглик сиёсатини юритган давлати ҳам ҳисобланади. Милодий I асрнинг бошларидан Тармита-Термиз буддавийлик таълимотини Марказий Осиёда тарқалишида ўзига хос “қўприк” вазифасини бажарган. Кушон подшолиги даврида бир қатор бадий санъат мактаблари ҳам шаклланган.

Тармита-Термиз кейинги асрларда эфталлийлар, Ғарбий турк ҳоконлиги, сўнгра араб халифалиги таркибига киритилган. Милодий IX–XIII асрларда эса янада тараққий этиб, қалъа, шаҳристон ва работ қисмлардан ташкил топган умумий майдони 500 гектардан ортиқроқ бўлган шаҳар кўринишига эга бўлган. Шаҳарнинг ҳар бир қисми эса мудофаа деворлари билан ўралган. Унинг қадимий қисми эса қалъа ҳисобланиб, майдони тахминан 10 гектарни ташкил этувчи тўртбурчак шаклга эга. Қалъа бир неча метр баландликдаги табиий тепалик устида барпо этилган. Айнан ушбу қалъа қисм шаҳарнинг асосини ташкил этган. Шунингдек, унинг Амударё бўйида жойлашганлиги шаҳар мудофаа жиҳатидан қулай жойда барпо этилганлигини кўрсатади. Термиз-Термизнинг Ўрта Осиёнинг ўрта асрларга оид шаҳарларидан фарқ қилувчи хусусияти, унда тўртинчи – “сурадикат”, яъни Тармита-Термиз ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи ҳамда боғ-роғлар жойлашган қисми ҳам мавжуд бўлган.

Тармита-Термизнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши 1926–1928 йилларда Б.П. Денике бошчилигидаги Шарқ маданиятлари музейи археологик экспедицияси фаолияти билан боғлиқ[9]. Мазкур экспедиция томонидан Тармита-Термизнинг шарқий қисмида жойлашган ва майдони 10 гектардан ошиқроқ бўлган Термизшоҳлар саройида, шунингдек, Қоратепа ёдгорлигида қазилма ишлари олиб борилган. 1934–1936 йиллар давомида Қоратепада Г.В. Парфёнов бошчилигидаги археологик гуруҳ томонидан тадқиқот ишлари давом эттирилади[10].

XX асрнинг 30-йилларида Эски Термиз худудини ўрганишга М.Е. Массон бошчилигидаги Термиз археологик комплекс экспедицияси киришади. Шунингдек, мазкур экспедиция томонидан Термизшоҳлар саройи ҳам тўлиқ очиб ўрганилади ва шаҳар худудида жойлашган бир неча кулоллар маҳалласида қазилмалар олиб борилади[11].

1937 йилдан бошлаб эса Е.Г. Пчелина бошчилигидаги археологик гуруҳ Қоратепа ва унинг атрофида тизимли қазилма ишларини давом эттиради[12].

1936 йилда Термиз археологик комплекс экспедицияси Чингизтепанинг жануби-шарқий қисмида жойлашган учта иншоот мажмуасида археологик тадқиқот ишларини амалга оширади[13]. Ёдгорлик 1937 йилда Е. Г. Пчелина ва 1938 йилда Г. А. Пугаченкова томонидан ҳам ўрганилади. М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченкова Чингизтепани буддавийлик ёдгорлиги харобалари сифатида тахмин қилган[14].

XX асрнинг 20-30-йилларида Тармита-Термиздан шимоли-шарқий тарафда жойлашган “Зўрмола” ступаси ўрганилган[15]. М.Е. Массон эса Зўрмолани ислом даврига қадар мавжуд бўлган ёдгорликлар сирасига киритиб, буддавийлик ступаси бўлиши мумкин деган тахминни илгари суради[16].

XX асрнинг 30-йилларида Термиз археологик комплекс экспедицияси томонидан Тармита-Термиз қалъасининг шимолий ва шимоли-шарқий бурчагида жойлашган Дунётепа ёдгорлиги тадқиқ этилади[17].

М.Е. Массон раҳбарлигида 1936-1938 йиллар Тармита-Термизда олиб борилган тадқиқотлар натижаси махсус тўпламларда ўз аксини топган. Бундан ташқари, М.Е.Массон 1960 йилда Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ва ундаги битикларни ўрганиб чиқади[18]. М.Е.Массон ўзининг ушбу ишида мақбара тарихи, ундаги ёзувлар таржимаси билан чекланиб қолмайди, балки алломанинг таржимаи ҳоли ва айрим асарларини қисман шарҳлашга ҳам эришади.

1961 йилда Б.Я. Ставиский раҳбарлигидаги бирлашган экспедиция (Давлат Эрмитажининг Шарқ бўлими ва Шарқ халқлари санъати музейи) томонидан Қоратепа буддавийлик марказида археологик қазилма ишлари қайта тикланади. XX асрнинг 60-80-йилларида Қоратепанинг жанубий ва шимолий тепалик қисмида амалга оширилган тадқиқот ишлари натижасида унинг меъморий тарҳи тузилиши ўрганилади[19].

1983 йилда эса Ш.Р. Пидаев томонидан Зўрмола ступаси яқинида меъморий безак ҳисобланган оқтошдан ишланган фриз намунаси топилади[20].

XX асрнинг 60-йиллари охири ва 70-йилларида Л.И. Альбаум тадқиқ этган Фаёзтепа эса буддавийликка мансуб ёдгорликлардан бири ҳисобланади[21].

1980 йилдан бошлаб Тармита-Термиз ҳудудидаги ёдгорликлар ва маданий қатламлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ш.Р. Пидаев бошчилигидаги археологик гуруҳи томонидан ўрганила бошланди[22].

Мустақиллик йилларида Эски Термиз ёки Тармита-Термиз ёдгорликлари мажмуида Ўзбекистон – Франция, Ўзбекистон – Япония археологик гуруҳи, 2004-2006 йиллар давомида Тармита-Термиз ҳудудида жойлашган буддавийлик монастири Фаёзтепада археолог Т. Аннаев ва Ж. Аннаевлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар[23], шунингдек, ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг Корея Республикаси Маданий мерос Миллий тадқиқот институти[24] ҳамда Япониянинг Ришшо университети археологлари билан ҳамкорликда[25], Ш.Р. Пидаев раҳбарлигидаги Термиз археология экспедицияси томонидан[26] амалга оширилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотлар натижасида Тармита-Термиз ва унинг ҳудудида жойлашган ёдгорликлар меъморий тарҳи тузилиши, даврий санаси, ўзига ҳос қурилиш услуби, ҳунармандчилиги, бадий санъати ва моддий маданияти ҳақида қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

4.Хулосалар:

Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган тарихий марказларимизнинг қадимги ва ўрта асрлар даврида тутган салоҳиятини батафсил ўрганиш, Ватанимиз ва жаҳон тарихида тутган ўрнини ёритиш тарих фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Тармита-Термиз ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари сингари бой тарихга эга бўлган. Милoddan аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан шаклланиб, токи Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқинчилари томонидан вайрон қилинганга қадар Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган. Бугунги кунда Тармита-Термиз ва унинг таркибий қисмлари, ёдгорликлари тузилиши ва даврий санаси, моддий маданияти тарихи маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқот марказлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ёритилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Tomaschek W. Centralasiatische Studien: Sogdiana. –Wien. 1877. – Pp. 40 – 46.
2. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 55. (Pidaev SH.R. Ancient Termiz. – Tashkent: Fan, 2001. – P. 55.)
3. Tarn W. “Two Notes on Seleucid History: 1. Seleucus’ 500 Elephants, 2. Tarmita.” // The Journal of Hellenic Studies, vol. 60, 1940, Pp. 84–94.

4. Ртвеладзе Э.В. Александрия оксианская: Ай-ханум, Старый Термез или Кампыр-тепа? // INFOLIB, №3. 2019. (Rtveladze E.V. Alexandria Oxiana: Ai-Khanum, Ancient Termez or Kampyr-tepa? // INFOLIB, №3. 2019.)
5. Si-Vu-Ki: Buddhist records of the Western world, translated by from Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629) by Samuel Beal. Vol. I. – London. Trübner & Co., Ludgate hill, 1884. – P. 38.
6. Пидает Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 5 – 6. (Pidaev SH.R. Ancient Termiz. – Tashkent: Fan, 2001. – P. 55.)
7. Пидает Ш.Р. Материалы к изучению древнейшей истории Термеза // ОНУ. 2000. №3 (6). – С. 51–56. (Pidaev SH.R. Materials for the study of the ancient history of Termez // ONU. 2000. No. 3 (6). – Pp. 51–56.)
8. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрии: Проблемы истории и культуры. – М.: Наука, 1977. – 287 с. (Stavisky B.YA. Kushanian Bactria: Problems of history and culture. – M.: Nauka, 1977. – 287 p.)
9. Strelkov A.S. Les Monument preislamique de Termez. Vol.3, #4, – Zurich. «Artibus Asiae», 1928–1929. – Pp. 216–224.
10. Ставиский Б.Я. К предыстории археологического изучения Каратепа в Старом Термезе (работы летом 1936 года) // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент, 1989. – С. 70–76. (Stavisky B.YA. To the prehistory of the archaeological study of Karatepe in Ancient Termez (works in the summer of 1936) // Local history of Surkhandarya. - Tashkent, 1989. – Pp. 70–76.)
11. Труды ТАКЭ / Отв. ред. Массон М.Е. – Ташкент. Т. I. 1940. – 215 с. (Proceedings of TACE / Responsible ed. Masson M.E. – Tashkent. T. I. 1940. – 215 p.); Труды ТАКЭ / Отв. ред. Массон М.Е. – Ташкент. Т. II. 1945. – 226 с. (Proceedings of TACE / Responsible ed. Masson M.E. – Tashkent. T. II. 1945. – 226 p.)
12. Пчелина Е.Г. Древнебуддийский монастырь Каратепа. Термез // Доклады и сообщения Исторического факультета Московского университета. – М., 1946. Вып. 4. – С. 52–56. (Pchelina E.G. Ancient Buddhist monastery Karatepe. Termez // Reports and messages of the Faculty of History of Moscow University. - M., 1946. Issue. 4. – P. 52–56.)
13. Массон М.Е. Городище Старого Термеза и их изучение // Тр. УзФАН СССР. Сер. I. Вып. 2. – Ташкент. 1940–1941. – С. 38–40. (Masson M.E. Settlement of Ancient Termez and their study // Proceedings of UzFAN USSR. Ser. I. Issue. 2. – Tashkent. 1940–1941 – P. 38–40.)
14. Массон М.Е. Работы Термезской археологической комплексной экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. // Тр. АН УзССР. Сер. I. Т. II. – Ташкент. 1945. – С. 3. (Masson M.E. Works of the Termez Archaeological Complex Expedition (TACE) in 1937 and 1938. // Proceedings of Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Ser. I. T. II. – Tashkent. 1945. – P. 3.)
15. Стрелков А.С. Зурмала или Катта-тюпе // Культура Востока. – М., Вып. I. 1927. – С. 27–30. (Strelkov A.S. Zurmala or Katta-tyupe // Culture of the East. – M., Issue. I. 1927. – Pp. 27–30.)
16. Массон М.Е. Городище Старого Термеза и их изучение // Тр. УзФАН СССР. Сер. I. Вып. 2. – Ташкент. 1940–1941. – С. 28. (Masson M.E. Settlement of Ancient Termez and their study // Proceedings of UzFAN USSR. Ser. I. Issue. 2. – Tashkent. 1940–1941 – Pp. 28.)
17. Шишкин В.А. К исторической топографии Старого Термеза // Тр. УзФАН СССР. Сер. I. Вып. 2. – Ташкент. 1940–1941. – С.135. (Shishkin V.A. On the historical topography of Ancient Termez // Proceedings of UzFAN USSR. Ser. I. Issue. 2. - Tashkent. 1940–1941 - P.135.)
18. Массон М.Е. Надписи на штурге из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким-и Тармизи. Тр. ТашГУ. Вып. 172. –Ташкент. 1960. – С.44–80. (Masson M.E. Inscriptions on a piece from the architectural ensemble near the Khakim-i Tarmizi mausoleum. Proceedings of Tashkent State University. Issue. 172. –Tashkent. 1960. –Pp.44–80.)
19. Ставиский Б.Я. Основные итоги раскопок Кара-тепе в 1961–1962 гг.// Кара-тепе – буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. – М.: Наука, 1964. – С. 8–9. (Stavisky B.YA. The main results of the excavations of Kara-tepe in 1961–1962// Kara-tepe is

- a Buddhist cave monastery in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1964. – Рр. 8–9.); Ставиский Б. Я. Основные итоги раскопок Кара-тепе в 1963–1964 гг. // Кара-тепе – буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. – М.: Наука, 1969. – С.8. (Stavisky B. YA. The main results of the excavations of Kara-tepe in 1963–1964. // Kara-tepe is a Buddhist cave monastery in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1969. – P.8); Ставиский Б.Я. Итоги раскопок Кара-тепе в 1965–1969 гг. // Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1972. – С. 9–10. (Stavisky B.YA. Results of the excavations of Kara-tepe in 1965–1969 // Buddhist cult center Kara-tepe in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1972. – Рр. 9–10); Ставиский Б.Я. Работы на Кара-тепе в 1970–1971 гг. (Предварительное сообщение) // Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1972. – С. 42–46. (Stavisky B.YA. Works on Kara-tepe in 1970–1971 (Preliminary report) // Buddhist cult center Kara-tepe in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1972. – P. 42–46.); Ставиский Б. Я. Основные итоги изучения Кара-тепе в 1974–1977 гг. // Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1982. – С. 10–11. (Stavisky B. YA. The main results of the study of Kara-tepe in 1974–1977. // Buddhist monuments of Kara-tepe in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1982. – P. 10–11)
20. Пидает III.P. Новые детали каменной архитектуры с городища Старого Термеза // Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1996. – С. 331. (Pidaev SH.R. New details of stone architecture from the settlement of Ancient Termez // Buddhist complexes of Kara-tepe in Ancient Termez. - М.: Nauka, 1996. – P. 331.)
 21. Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаязтепа (по материалам 1968–1972 гг.) // Древняя Бактрия. – Л., Наука, 1974. – С. 54. (Albaum L.I. Excavations of the Buddhist complex Fayaztepa (based on materials from 1968–1972) // Ancient Bactria. – L., Nauka, 1974. – P. 54.)
 22. Пидает III. Р. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых раскопок // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. –Ташкент: Фан, 1987. – С. 87–92. (Pidaev SH. R. Stratigraphy of the settlement of Ancient Termez in the light of new excavations // Urban culture of Bactria-Tokharistan and Sogd. - Tashkent: Fan, 1987. – Рр. 87–92.)
 23. Аннаев Дж., Аннаев Т. Архитектурно-планировочная структура и датировка буддийского монастыря Фаязтепа // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – С. 53–66.; (Annaev J., Annaev T. Architectural and planning structure and dating of the Buddhist monastery of Fayaztepa // Traditions of the East and West in the ancient culture of Central Asia. – Tashkent: Noshirlik Yogdusi, 2010. – P. 53–66.); Аннаев Ж., Аннаев Т., Горин А. Монетные находки Фаязтепа. Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – С. 67–72. (Annaev J., Annaev T., Gorin A. Coin finds of Fayaztepa. Traditions of East and West in the ancient culture of Central Asia. - Tashkent: Noshirlik Yogdusi, 2010. – Pp. 67–72)
 24. Uzbekistan. Kushan Dynasty and Buddhism. – Seoul: National Research Institute of Cultural Heritage, 2013. – 219 p.
 25. Kara Tepe – Buddhist Complex Of Termez 2014–2017. – Osaka: Shobo, 2020. – 242 p.
 26. Пидает III.P. Қоратепадаги будда ибодатхонасининг деворий суратлари // Фан ва Турмуш. 2016. №3-4. – Б. 45–48. (Pidaev SH.R. Wall paintings of the Buddhist temple in Karatepa // Fan va Turmush. 2016. No. 3-4. – Pp. 45–48.)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000